



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 2 июл, сешанба № 105 (1322)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

2002 йилнинг 1 АВГУСТИДАН
БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР,
СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ
НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI
ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлиги талабаларининг, ўрта махсус, касб-хунар билим юртлиги ўқувчиларининг стипендиялари 1,15 баравар оширилсин.

2. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан энг кам: иш ҳақи - ойига 4535 сўм; ёшга доир пенсиялар - ойига 8970 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд - ойига 4535 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 8970 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 5435 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилидиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2002 йил 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг маънавий маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан белгиланган тартибда 2002 йил 1 августидан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдorigа мувофиқ оширилсин.


7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 мартдаги ПФ-3045-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 1 июл

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 июн кўни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Куролли кучлар бўйича қўмитасининг Тараққиёт ва ҳарбий тадқиқотлар бўйича ички қўмитаси раиси Дункан Хантер раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, АҚШ Конгресси делегацияларининг Ўзбекистонга ҳар бир таш-

рифи катта воқеа бўлишини таъкидлади. Террорчиликка қарши курашда амалга ошираётган ишлари учун АҚШ ҳукумати ва халқига чуқур миннат-

дорлик билдирмоқчи-ман, - деди Ислам Каримов учрашувда. Дарҳақиқат, Афғонистонда террорчилик ўчоқлари йўқ қилинишида АҚШнинг сый-ҳаракатлари катта аҳамиятга эга. Ушбу иллатнинг илдизини қуритишда АҚШ ташаббуси билан тузилган халқаро коалиция катта муваффақиятларга эришмоқда. Аф-

ғонистонда вазият ўнгла-нишидан эса биринчи галда Марказий Осиё минтақаси давлатлари, хусусан, Ўзбекистон манфаатдордир. Учрашувда меҳмонлар самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдира экан, халқаро аксилтеррор коалициясининг муваффақиятларида Ўзбекистоннинг алоҳида хисса-

си борлигини таъкидлади. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни мустақамлашга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

(ЎЗА).

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСГА ЁРДАМ

АҚШ Экспорт-импорт банки катта вице-президенти Жеффри Миллер бошчи-лигидаги мазкур банк делегациясининг мамлакатимизга тўрт кунлик ташрифи нихоясига етди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси бизнес-форум ташкил этди. Унда кичик ва ўрта бизнес ҳамда АҚШ Эксимбанки кредит линияларини ўзлаштиришдан манфаатдор уюшма ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

Президент Ислам Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан АҚШ Эксимбанки ва «Бэнк оф Нью-Йорк» ўртасида кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги турли лойиҳаларни молиялаш учун кредит линиясини очиб тўғрисида битим имзоланган эди.

Бизнес-форумни Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси раиси Музаффарбек Собиров очди. Анжуманда ўзбекистонлик тadbиркорлар «Бэнк оф Нью-Йорк» орқали АҚШ Эксимбанки кафолати остида имтиёзли кредитлар ажрати-лиши тўғрисида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Экспорт-импорт банки томонидан мамлакатимиз учун ажратилган кредитлар ҳажми 838 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Эксимбанк - давлат корпорациясидир. Бу банк америкалик махсулот экспорт қилувчилар учун айланма маблағ қарзлари кафолатларини таъминлайди, қарзлар беради ва уларнинг тўлалигини кафолатлайди, кредитларни сиёсий ёки тижорат таваккалчилигидан сугурта қилади.

(ЎЗА).

КАЙИҚЛАР СУВГА ТУШАДИ

Орол балиқчиларининг қумга ботиб ётган кайиқлари ҳадемай яна сувга тушади.

Мўйнок шаҳри яқинидаги «Кизилжар», «Шеге», «Шағирли», «Зокиркул», «Ялтирбош» сингари 30 га яқин кўлга сув тўлиб, 40 минг гектар майдонда кичик денгиз пайдо бўлмоқда.

Оролни кутқариш халқаро жамғармасининг Нукус бўлими Амударёнинг денгизга қуйилиш жойида «дарё оралиги»да сув омбори бунёд этди.

Узунлиги 1,8 километр, баландлиги 2 ва эни 9 метр бўлган бетон тўсиқ оқин сувни жаловлаб, қуриб қолган кўлларни тўлдирмоқда. - Мазкур ишоотни 9 ойда қуриб битказди, - дейди Мўйнок сувқурилиши акционерлик жамияти раиси Усен Калжонов. - Жанланган сув «Мақбалқул», «Сарибасқаб» 10 дан ортқурилари тўлдирган, яна 19 минг гектар майдонда балиқчилик ишони тўғилди.

Секундига 44 куб метр сув ўтказиш кубватига эга бўлган янги гидротурбина ва Оролни кутқариш халқаро жамғармаси маблағига қурилмоқда. - тез кунда фойдаланишга топширилади. 91 миллион сўмлик иш бажарган «Кўнгиротсув қурилиши» акционерлик жамияти бунёдкорлари сўнгги юмушларни адо этмоқда.

Сув этиб келгани боис, ишни тезлатиб ишоотни муддатидан олдин топширишни мўлжаллашнинг, дейди жамият раиси Омонбой Орипов. - Бир ҳафтадан кейин мазкур ишоот орқали «Мўйнок кўли»га сув юборилади.

(ЎЗА)

Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Меҳнатқашлар кўтаринлашлари учун аввало уларга яратилган шарт-шароит кўнгилдагидек бўлиши, ходим эришаётган натижалардан, олаётган маошидан қониқиш ҳосил қилиши керак. Шу кунларда далаларда, ғаллазорларда иш қиз-

Меҳнатқашлар бўш вақтларини қандай ўтказишяпти

донда қовун-тарвуз, помидор, сабзавот махсулотлари етиштирилмоқда. Ёзу парваришалаётган деҳқондан бўш вақтини қандай ўтказаятганлиги хусусида сўраганимизда, шундай деди:

стулларни кўриб, яқин орада ерга бирон киши қадам ранкида қилмаганлигини сездик. Эълонлар тахтасига кўз югуртириб, қарангки, 1998 йилги тadbирлар билан яқиндан «танишиб олдик». Велосипед миниб

(ЎЗА).

ҚИШЛОҚ ОҚШОМЛАРИ

файзли...ми?

— Маданият уйига оқшом қўниши билан борсангиз, ҳаммаси равшан бўлади-қўяди. Миришкор тўғри таъкидлаган экан. Беш юз ўринга мўлжалланган маданият ва ҳардиқ масканида сартарошхона, пойабзал тузатиш устaxonалари ишлаб турибди. Биллиардхона, компьютер ўйинлари бурчаги ёшлар билан гавжум. Одамлар суратхона ҳамда тикув цехи ишлаб турганидан мамнун.

Хўжалик раҳбарлари ва касба уюшма қўмитаси яна бир хайрли ишга қўл уришибди. Хўжалик ҳисобидан олти ойга қизларни уй ҳамширалигига ўқитишибди. Бунинг учун тумандан малакали шифокорлар жалб этилган. Маданият саройининг бадий раҳбари А.Смоилованинг оғоҳ этишича, қўғирчоқ театри иш бошланганлиги барчани қувонтирган. Яқинда энг чекка қишлоқ кишилари маданият саройига тақлиф этилиб, қизиқларнинг чиқишларидан баҳраманд этилди. Хўшовоз хонандалар ўзларининг дилрабо қўшиқлари билан деҳқонларга руҳ ва мадад бағишлашди.

Кутубхона ҳам эътиборга молик. Қеракли адабиётлар, қўлланмалар мавжуд. Яқинда лотин тилидаги адабиётларни ҳам келтиришибди. Ҳа, ушбу хўжаликда қишлоқ оқшомлари файзли ўтмоқда.

Бахтга қарши, ҳамма жойда ҳам манзара шундай, деб айтолмаймиз. Боевут туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги қасаба уюшма қўмитаси хонасига ташриф буюрдик. Эскирган, синик, чанг босган стол-

келаётган йигитдан клуб, кутубхонани сўрадик. — Анави бузилиб ётган хароба бир вақтлар клуб эди, - деди у ачиниш билан.

Билсак, кутубхона ҳам кўпинча қулфлок экан. Қанча кутмайлик, кутубхоначи опани топишнинг иложи бўлмади. Яқинда Конрад Аденауэр жамғармасидан келиб, ёшлар масаласига бағишланган семинар ўтказилган бўлишибди. Бироқ тузукроқ жой тополмай, охири, 4-мақтаб мутасаддилари ўшанда ноқулай аҳволда қолганликларини яширишмади. Шояд, ушбу ҳолат сабоқ бўлиб, клуб, кутубхона ва маданий тadbирлар хусусида жиддий бош қотиришса.

Сирдарё туманининг Бахт шаҳарчасида ҳам юқоридаги каби манзарага дуч келдик. Шаҳар ҳокимлигида котибадан бўлак ҳеч ким йўқ. Ҳамма «далада» экан.

— Кутубхонани кўрсам бўладими? — Анчадан буён ёпик. — Унинг ёнидаги спорт заличи? — Яқин ўртада бирон машғул ўтказилганлигини эслолмайман.

Синик кайфиятда қайтарканмиз, «Ёшлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Раёно Суярова исмли аёлга рўбарў бўлдик. — Мана бу ахлат уюмларини кўряпсизми, - деди у жиддий оҳангда. - Анча вақтдан буён шаҳримиз хусусига доғ бўлиб ётибди. Маданий ҳордиқ чиқармасак ҳам майлига, мана шу чиндилари пашшалардан кутлак, соф ҳаводан нафас олсак, бошимиз осмонга етарди...

Б.СУЛТОНОВА,
«Ишонч» мухбири.

Мухбир нуқтаи назари

Жондор туман марказидаги «Табассум» уни-вермагининг қад ростилаганига анча йиллар бўлди. У шундоқкина туман ҳокимлиги биноси ёнида жойлашган. Аммо гап мазкур савдо маскани ким томонидан қачон қурилганлиги хусусида эмас, балки уни халққа нечоғлиқ фойдаси тегаётганлигида. Мана ўн йилдириқ, ушбу савдо мажмуаси ишламайди, қачон қарасангиз, эшигида қулф осилган.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра 1993 йилда «Табассум»чилар ўзлари ишлаб турган савдо масканини хусусийлаштиришга киришдилар. Етти ўлчаб, бир кес, қабилида иш юритган жамоа маслаҳатини бир жойга қўйиб йилгилиш ўтказди ва қарор қабул қилди. Кейин қонуний талабни қондиришни сўраб юқори ташкилот — туман «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига ёзма тарзда маълум қилишди. Шундан сўнг ушбу талаб юзасидан да-стабллик юмушлар амалга оширилди.

Ташкилий масалаларни ҳал қилиш ўша вақтдаги туман раҳбари Умар Бўриев зиммасига юрлатилди. У ваколат доирасида ҳаракат қилиб жамоадошлари ишончини қозониш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилди. Яъни керакли барча ҳужжатларни жамият бошқарувига топшириб, масалани ижобий ҳал этиш йўллариини излади. Бошқарув кўрсатмаси асосида бино қийматининг 49 фоизи — 2.400.000 сўм маблағ олдиндан жамият ҳазинасига кириб қилинди. Шу тариқа жамоа ўзлари ишлаб турган бинога мулкий эгаллик қила олиш ваколатига эга бўлди. Аммо...

Негадир кейинги босқичдаги ишлар бир нуқтада депсиниб тураверди.

Раҳбарият турли баҳона-ларни руқач қилишдан на-рига ўтмасди. Баҳоналар ваҳжларнинг, қонунга сира тўғри келмайдиган ҳулоса-ларнинг охири кўринмасди. Мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёни авж олаётган бир пайтда Жондор «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари кўпчи-ликни ҳайратга солди.

Айни шу даврда туман-даги ўнлаб йирик савдо масканлари сотилган бўлса-да, «Табассум»ни жамоа ихтиёрига топши-риш сунъий равишда ор-қага қўйилмади. Шу ора-да раҳбарларнинг тез-тез алмашинуви ҳам тумани-чишига имкон бермади. Ташкилий масалаларни ҳал қилишга масъул бўлган У.Бўриев эса идорама-идора югуришдан толиқди. Тоқати тоқ бўлган кўплаб савдо ходимлари «Табассум»ни тарк этиш-лади. Ниҳоят 2001 йилга келиб тўғаноқ бўлаётганлар инсофга келишди. Бино хусусийлаштирилди. Ле-нога мулкий эгаллик қила олиш ваколатига эга бўлди. Аммо...

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

шига сотилди. Бу хабар-ни эшитган У.Бўриев-нинг фиғони фалакка кўтарилди. Негаки, унинг мазкур бинони хусусий-лаштириш юзасидан тўплаган ҳужжатлари, расмий жаваблар олган папкаси анча «семириб»

ЖУМБОҚ

ёхуд бир корхонани хусусийлаштириш нега ўн йилга чўзилди?

қолганди. — Бошқарув раиси Фани Мухаммедовнинг ҳузурига бордим. Икка-ламиз анча тортишдик. Қарасам, адолатли та-лаб, илтимоснинг нафи йўқ. «Табассум» сотила-диган бўлса, у фақат-дор «Матлуботсавдо» ҳис-садорлик жамияти бош-қарувининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари кўпчи-ликни ҳайратга солди.

Хуллас, иш туманларо-ро фуқаролик судига кўрилди. Ҳал қилув қаро-рида шундай сатрлар бор: «Даввогар Умар Бўриев ва Олия Адизо-валарнинг жавобгар «Матлуботсавдо» ҳисса-дорлик жамиятига нисба-тан кўчмас мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқини тан олиш, етказилган, моддий ва маънавий зарарни, компенсация тўловлари-ни ундириб бериш тўғри-сидаги даввоси қаноат-лантирилсин...».

Адолат судда қарор топди. Аммо муҳим иш нахотки ўн йил дағанда ҳал бўлса, кўпчиликни масаланинг шу томони чукур ўйлантирмоқда.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

ҲАЗОРАСПНИНГ ОРИЯТЛИ КИШИЛАРИ

Президентимиз халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳозирлик миришкорларнинг меҳнатига, деҳқончилик маданиятига юксак баҳо бериб, уларни ҳақиқий қаҳрамонлар деб айтган эдилар. Чунки Хоразм деҳқони кишининг изғиринида ҳам, баҳорнинг ёгин-сочин кунларида ҳам дала-сида мардона меҳнат қилиб, катта майдондаги ернинг шўрини ювади.

Баҳорнинг охири ва ёзнинг бошла-рида ёққан кучли ёмғир деҳқонларни биров шошириб қўйди. Бирок, туман-даги «Хоразм» ширкат хўжалигининг Озод Кутлимуродов бошлиқ ижарачи-лари 275 гектар майдондаги плёнка остига экилган гўза парваришини бир дақиқа сусайтирганлари йўқ. «Табиат ўз йўлига, деҳқончилик ўз йўлига, - дейди ижарачилар етакчиси Озод ака ишонч билан. — Бу йил пахтадан ка-мида 40 центнердан хирмон кўтарамиз».

Истиқлол берган имкон

етиштириш имкониятини яратди, иқтисодиётга чет эл инвестицияси киритилди. Эндиликда доимий ра-вишда 300, лавлаги пишиги мавсу-мида 1500-2000 киши иш билан таъминланаётди.

Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиши туман иқтисодиётини юксалтирмоқда. 9 та йирик sanoat корхонасида пахта, қанд лавлаги мах-сулотлари қайта ишланмоқда, қури-лиш материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаёпти. 440 нафар тадбиркорлик субъекти, 367 нафар яқка тадбиркор фаолият кўрса-таяпти. Германиянинг «Текспроект» фирмаси билан қўшма корхоналар барпо этиш бўйича ишлар олиб бо-рилмоқда. «Пахтатозалаш» ҳиссадор-лик жамияти қошида йилига 700 минг жуфт пайпоқ иш-лаб чиқаришга мўлжалланган «Ҳазорасптек-ЛТД» корхонаси-ни қуриш учун лойиҳа ҳужжат-лари тайёрлан-

ди. Питнак шаҳрида 2 та қўшма кор-хона ишлаб турибди.

«Туямўйин-Урганч» сув иншооти-нинг иккинчи навбати ишга тушири-лиши вилоятнинг шимолги ҳудудла-рида яшаётган аҳолига сифатли ичимлик суви етказиб беришни ка-фолатлайди. Йилга 10 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга «Бархан» керамика гишт заводининг қуриб битказилиши ҳам истиқлол ша-рофатидир.

Спорт-соғломлаштириш мажмуаси, 10 минг кишилик ўйингоҳ, янги бо-зор, «Бахт уйи», икки қаватли дори-хона, «Оталар чойхонаси» ишга туши-рилди. Янги маданият ва истироҳат боғига асос солинди. Чала ётган ма-даният саройи биноси қайта лойиҳа-ланиб, замонавий андозадаги педа-гогика коллежи қурилиб, фойдала-нишга топширилди. Эски автовокзал биносидега эса «Ёшлар маркази» очил-ди.

Ҳазораспнинг бир-биридан гўзал — Муҳомон, Карвак, Пичоқчи, Кипчоқ, Жувондир, Авшар, Бешта, Янгибозор каби кишлоқларини кезсангиз, амал-га оширилаётган иқтисодий, ижтимо-ий, маънавий ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Ориятли, фидойи одамлар даврасида уларнинг бағрикенглиги, бир сўзга ҳам ҳақиқий ватанпарвар-лигига таъсир айтасиз.

— Корхоналаримизда ҳар йили тўққиз миллиард сўмликка яқин са-ноат маҳсулотлари, 2 миллиард сўмликдан зиёд халқ истеъмоли мол-лари ишлаб чиқарилаётганда, - дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими Бо-тир Раҳимов. — Иқтисодий ва ижти-моий тармоқнинг турли соҳаларида-ги соғлом рақобат ички бозорни маҳ-сулот билан тўлдирши, аҳолига хиз-мат кўрсатишни яхшилаш ва турмуш фаровонлигини оширишга олиб ке-ляпти.


Хуллас, энг улуг ва буюк неъмат — Истиқлол берган имкониятлардан тўла фойдаланаётган ҳазораспликлар эл-юрт учун ёниб-жўшиб яшамоқда-лар ва меҳнат қилмоқдалар.

Иззат ХИКМАТОВ, Болтабой ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбирлари.

Фаргона туманидаги «Фаргона» ширкат хўжалиги галлакорла-ри жорий йилда 651 гектар ер майдонида галла етиштирдилар. Ҳозирги кунда маши-на-трактор паркиннинг олти «Кейс» русум-ли ва бошқа комбайн-лар унум билан ишла-тилмоқда. Ўриб олин-ган донни давлат қабул қилиш пунктла-рига пешма-пеш етказ-иб беришда ҳайдовчи-лар жонбозлик кўрса-тишмоқда.

Суратда: ҳайдовчи Курбонали Ҳамроалиев хўжалик бош ҳосилоти Аюбхон Маҳмудов ҳайдовчилар Набижон Кари-мов ва Аюбхон Хол-матовлар келгуси ре-жалар ҳақида суҳбат-лашишмоқда.

М.КОДИРОВ, (ЎЗА) олган сурат.



ИНСОН ҚАЛБИ МЕҲРГА ТАШНА

Света опа Муборақхоннинг қадам товушидан танийди. Хона эшиги одатдагидек чертилгандек бўлди.

— Она кизим, тортинмай кираверинг! Кўп ўтмай Муборақхон кириб келди. Кўлида гулдаста, елим халта. Опахон гулни кўриб боши осмонга етди:

— Гулдек ёшариб, яш-наб юринг, онажон, — деди Муборақхон гуллар-ни гулдонга жойлашти-раркан. — Сўнгра, «мен ҳозир» деди-да, қўшни хо-нага чиқиб кетди. Бир зумда кийимларини ал-маштириб чиқиб опанинг кийинишига, юз-қўлини ювишига кўмаклашди. Сочларини тараб тартиб-га келтирди.

Бемор чинидек тоза, ораста хонага назар таш-лаб дили яйради. Хуруж қилаётган оғриқлар бир зум унутилгандек бўлди. Атрофида парвона бўлаёт-ган Муборақхонга қайта-қайта миннатдорчилик билдирди.

— Энди нонуштага ўтирсак ҳам бўлади, — дейди кизгина юзидаги терларни артиб. Дастур-хон ёзилди. Она-боладек, биргалашиб нонушта қиладилар.

Меҳр-оқибат зиёси ча-раклаб турган бу хонадон соҳиблари ким дерсиз. Света Неъматжонова ту-мандаги пахта тозалаш корхонаси ҳиссадорлик жамоасининг собик ишчи-си. Халол меҳнати, катта-кичикка меҳр-оқибатли, касбига фидойилиги билан обрў топади. Бахт-сиз ҳодиса туфайли мана бир неча йилдирки, тўша-ка михланиб қолган. Туман ижтимоий таъминот бўли-ми томонидан биринчи гуруҳ ногирони сифатида рўйхатга олинган. Муборақ Рўзиева эса опaxonга бир-

ва уларнинг соғлигини сақ-лашда алоҳида меҳрибон-лик кўрсатилмоқда. Доимий манзилли кўмакка муҳтож 19 нафар бемор марказий касалхона назорати остида. 20 нафар ижтимоий ходи-ма, ҳамширалар уларга хиз-мат кўрсатмоқда. Ҳафтанинг маълум кунларида ногирон-ларга 8 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларини бепул тар-қатиш билан бирга, бемор-ларнинг соғлигини қўриқ-дан ўтказадилар. Шу кунга-ча 20 нафар ногирон сихат-гоҳларга бепул йўлланма билан таъминланди. 29 на-фари эса бепул дори-дар-

китилган.

Бўз туманида ёшга доир нурунийлар 5669 нафар ки-шини ташкил қилади. Улар-дан 119 нафари меҳнат но-гирони ва уруш фахрийси ҳисобланади.

Ногиронлар, кексалар, пенсионерлар юқорида таъ-кидланганидек — жамоатчи-лик эътиборида. Ҳокимлик-

«Гузар» маҳалласида нурунийлар иштирокида ўтказилган мулоқот ҳамма-нини дил тўридан жой олди. Кўпни кўрган отaxon-лардан Алижон Азимов, Кўчқорбой Юнусов, Зайно-биддин Расуловларнинг эсдаликлари ҳаяжон билан тингланди.

Туман ижтимоий таъми-нот бўлими катта услубчи-си Манзураҳон Ашурова билан фахрийларнинг иж-тимоий химояси ҳақида суҳбатлашди.

«Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан қабул қилинган давлат да-стури, — дейди у, — нуру-нийларга меҳрибонлик из-зат-икром руҳи билан йўғрилган. Туманимиздаги марказий шифохонада қариялар, ногиронларнинг сихат-саломатлигини на-зорат қилувчи махсус бўлим ишлаб турибди. Тажрибали терапевтлар-дан Санъатхон Янгиева бўлимга етакчилик қил-моқда. 10 нафарга қин турли касалликлар бўйича мутахассис шифокорлар унинг қўли остида. 158 на-фар отaxon, онажон диспан-сер кўригидан ўтказилиб, шифохонага ётқизилди. 149 нафар нуруний амбу-латорий шароитида даво-ланди. Жорий йилнинг биринчи чорагида тоифа-ли беморларга 10 минг сўмлик дори-дармон бепул берилди. Туман машина-трактор парки жамоаси-нинг оталиқ ёрдамидан миннатдоримиз. Уш ҳудуд-ларидаги фойдаларига 150 минг сўмлик озиқ-ов-қат маҳсулотлари етказиб берилди.

«Сирдарё матлубот-савдо» акциядорлик компанияси жорий йилда 112 та мактаб, 13 лицей ва коллеж-нинг ошхона ҳамда буфетларида ўз хиз-матиини йўлга қўяди.

АРЗОН ВА ТҲЙИМЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Кейинги йилларда мактабларнинг ошхона ва буфетларида тайёр-ланган маҳсулотларнинг сифати пастлиги са-бабли уларга бўлган та-лаб пасайиб кетганди. «Сирдарё матлуботсав-до» акциядорлик компа-нияси 2001 йилда 67 та мактаб ошхона ва бу-фетларида хизмат кўрсатишни ўз зимма-сига олгандан кейин ва-зият бутунлай ўзгарди. Боввут ва Ховос туман-ларида, Сирдарё шаҳ-рида «Нонушта» корхо-налари тузилди. Ушбу корхоналарда тайёрлан-ган маҳсулотлар ушбу маҳсулотлар тўйимли, сифатли ва энг асосийси, нархи ар-зон.

Айни вақтда компа-ния томонидан яна 112 та мактаб, 13 та лицей ва коллежларнинг ош-хона ҳамда буфетлари-да таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу-нингдек, яна учта туман-да «Нонушта» корхо-налари ишга туширилиши режалаштирилди. 15 августга қадар мазкур ишлар нироясига етказ-иладди. Ана шунда ви-лоят бўйича 179 та мак-табда «Нонушта» корхо-насининг арзон ва си-фатли маҳсулотлари со-тилиши йўлга қўйила-ди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

2002 йил —

Қарияларни қадрлаш йили

да «2000-2005 йилларда ёл-ғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий химоя қилишни кучайти-ришга қаратилган чора-тад-бирлар тўғрисида»ги Дав-лат дастури асосида тузил-ган ҳаракат режаси муваф-фақиятли амалга оширил-моқда.

Аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламла-рига тиббий, санитарий-ку-рорт, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ҳамда дори-дармон таъминотини яхшилаш диққат маркази-да турибди. Негаки, кекса-лар оила кўрғони. Муҳими, Ватанга фидойиллик, эл-юрт хизматида камарбастлик, инсоний қадр-қиммат меҳ-натсеварлик, мустақкам имон-эътиқодли бўлишдек шарқона қадриятларни ёш-ларимиз боболардан ўрга-надилар.

Боқувчисини йўқотган, яқка-ёлғизлар, ногиронлар-га тиббий хизмат кўрсатиш

монлар билан таъминланиб, 4 нафарига ногиронлик ара-вачаси ажратилди.

Қариялар хонадонларига ҳомийлик ёрдами катта бўляпти. Туман халқ таъли-ми бўлими, электр тармоқ-лари идораси, пахта тоза-лаш корхонаси ҳиссадорлик жамияти ногирон, кексалар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг маиший шароити-ни яхшилашга баҳоли қудрат ёрдамлашмоқдалар. Масалан, электр тармоқла-ри идораси маблағи ҳисо-бига меҳнат фахрийси Охун ота Болтабоевнинг турар-жойи қайта таъмирлаб бе-рилди. Қурилиш касб-хунар коллежи жамоаси қиммати билан шу ўрамда «Нуруний-лар ошени» очилди. «Аҳма-додоб» маҳалласида ҳам «Оталар чойхонаси» қайта таъмирланди. Шунингдек, мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги кунига «нуру-нийлар музейи»ни очишга ҳозирлик қўрилмоқда.

Қаҳрамонлар орамизда

қарорлари чорвадорларни руҳлантириб юборди. Эн-диликда чорвадор оила-ларининг турмуш тарзи яхшиланиб, фаровонлиги ортмоқда. Бугунги чўпон газета-журнал ўқийди, радио тинглайди, телеви-дение эшиттиришларини томоша қиладди.

Бош ҳисобчи Шомурод Рўзимуродов ва касаба уюшма кўмитаси раиси

Муборақ кенгликларида

лар ва кўрғазмали куроллар олиб берилди. Чорвачиликда суяги қот-ган, айни пайтда нафа-қага чиққан 40 нафар қария «Уч авлод учраш-ви»га тўпланиб, ҳар би-рига 10 минг сўмдан пул ва қимматбаҳо совғалар тарқатилди.

Кўрсатилган меҳ-рибонликдан ихломлан-ган чорвадорларнинг фидойи меҳнати туфай-ли хўжаликда гўшт, қоракўл тери, жун ва дон тайёрлаш шартнома ре-жалари ошириб бажа-рилди. Даромад ортиб, фойда кўпаймоқда. Чўпон меҳнатига рағбат янада кучаяди.

...Само маликаси ўн беш кунлик ой, осмонда-ги сон-саноксиз юлдуз-лар теваарак-атрофини ёритиб юборди. Ойдин-да чўпон ўтовни оқариб кўринади. Ййлов баҳо-дирилар суҳбидамда кўй-кўзиларни бепоеён кенгликлар бўйлаб ҳай-дайти. Ойдинда юрган одамлар мамлакат қора-кўлчилигини ривожлан-тириб, маъмурилик яратмоқдалар, эл дас-турхонини тўкин-сочин этмоқдалар.

ЁЛКИН.

Қашқадарё қоракўлининг довруғи дунё-га тарқалган. Қора рангли зотдор кўчқор-лар, қуёш жилосида тиллодай товланади-ган қимматбаҳо терилар фақат шу воҳада етиштирилади.

Ўтзор яйлови тандир-дек қизиган. Қилт этган шамол йўқ. Қайноқ кум оёқни куйдиради. Фақат кечга бориб ҳавонинг тафти пасайди. Чўпон қизариб ботаётган қуёш-га қараб қўйларни сал-қинда боқаман, деб су-рувини кўналгага ҳайдади.

Атрофни тун қора чод-расига уради. Олисида Занжирсарой қальаси қолдиқлари, Кўхна шаҳар харобалари қорайиб кўринади. Оёқ остида сопол синиқлари ялти-райди. Бухоро кўриқхо-наси томонидан бўри-ларнинг увиллаши эши-тилади.

Чори чўпон бир сес-канди-ю, ён атрофини синқовлик билан кузат-га, хотиржам бўлди. Йирткичларнинг қўйлар ўтлайдиган яйловларга келолмаслигига ишонч ҳосил қилгач, ўтовга кир-ди.

«От бойловда, қўй яй-ловда семиради» дейди-лар. Мингдан ортиқ сов-лиқни парваришлайётган Чори Норбоевга чўпон-лик ота касб. Бу йилги

мавсумда ҳар юз совлиқ-дек 108 тадан қўзи олиб 85 фоизини ўстиришга қолдирди. Ютуқлари эва-зига дивидентдан ташка-ри 46 бош қўзи билан му-кофотланди.

ЧўПОН ЎТОВИ ойдинда оқариб кўринади

Чорва моллари Ўртачўл, Ниёзхон, Майдаёбу, Ўтзор, Кўхна шаҳар яй-ловларида ўтлаётган «Му-борак» қоракўлчилик наслчилик ширкат хўжа-лигида 68278 бош қўзи боқилапти. Мавсумда 29933 бош совлиқнинг ҳар юзидан 100 тадан қўзи олинди. Ўстиришга қол-дирилган 23100 бош қўзи-нинг 12768 таси урғочи. Бир отардан икки отар яратилди.

— Жамоамизда 600 киши ишлайди, — дейди хўжалиқнинг бош чорва-шуноси Нурилла Қурбон-ниёзов. — Шундан 400 на-

Гулмурод Беккиевларнинг таъкидлашича, ҳамма тар-моқлардан 181 миллион 620 минг сўм даромад олинган бўлса, соф фой-да 87 миллион 108 минг сўмни ташкил этади. Пай-чиларга 2 миллион 147 минг сўм дивидент, 2 мил-лион 560 минг сўмлик 256 бош қўзи тарқатилди. Узоқ йиллар ишлаган чўпон-чўликларга 1 миллион 240 минг сўм мукофот, 3 мил-лион сўмлик иссиқ кийим-лар берилди.

Республика ҳукумати-нинг қоракўлчиликни рив-ожлантириш, наслчилик-ни яхшилашга қаратилган

қўй боқайтган Холмамат Маҳтумов, Афғон Эргаш-шев, Бобо Холмонов, Ик-ром Оймаматов сингари чўпонларнинг отарлида ҳамма қулайликлар яра-тилган. Ўтовлар салқин ва шилан. Бир пилба чой ус-тида, янги ивителикдан қатқидан ичиб яйлов ба-ҳодирлари билан суҳбат-лашсангиз кўнглингиз кўтарилди.

Даромадининг кўпайиши хайрия ишларини амалга ошириш имконини бер-моқда. Яқинда кўйчино-ларнинг болалари таълим олаётган мактабга ярим миллион сўмлик дарслик-

Саволларингизга мутахассис Йўлдош ТУРСУНОВ жавоб беради

ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯ МИҚДОРИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига кўра, пенсия миқдори иш стажы мuddатига боғлиқ бўлиб, куйидагилардан таркиб топади:

- пенсиянинг таянч миқдоридан;
- иш стажы учун пенсиянинг оширилишидан;
- пенсияга қўшилидиган устама ҳақлардан.

ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ ПАЙТИДА УНИНГ МИҚДОРНИ БЕЛГИЛАШГА ИМКОН БЕРУВЧИ ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ҲИСОБЛАБ ЧИҚИЛАДИ?

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасида кўрсатилишича:

«Пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун, ишдаги таъминотчи фаолияти давомидида ишлаган кетма-кет беш йил учун (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг таъминоти бўйича), амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади».

Ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишлаган олти ойлик календар ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтига бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда пенсия сўраб мурожаат этган шахсининг ҳолига қараб, ишга кириш ёки ишдан бўшаш мурожаати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар ишланган тўлиқ календар ойлар сифатида ҳисобга олинади.

Пенсия сўраб мурожаат этган шахс беш йилдан оз вақт ишлаган ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақи ишланган календар ойларидидаги иш ҳақининг умумий миқдорини шу ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсиялар тайинлашда амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи ишланган кетма-кет беш мавсумидидаги иш ҳақини олтига бўлиш йўли билан аниқланади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг етти ҳиссасидан ортик бўлмаган иш ҳақи олинади. Ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан оз бўлган ёки иш ҳақи

тўғрисидаги маълумотлар умуман бўлмаган ҳолларда иш стажы учун пенсия энг кам ойлик иш ҳақига қараб ҳисоблаб чиқарилади.

ПЕНСИЯНИ ТАЙИНЛАШ ПАЙТИДА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН ВА ҲИСОБГА ОЛИНМАЙДИГАН ИШ ҲАҚИ, ТЎЛОВ ТУРЛАРИ ҚАЙ ЙЎСИНДА АНИҚЛАНАДИ?

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддасида пенсияларни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинадиган иш ҳақи турлари кўрсатилган. Жумладан:

«Пенсияларни ҳисоблаб чиқиш учун иш ҳақига амалдаги қондаларга кўра, суғурта бадаллари олинадиган меҳнат ҳақининг барча турлари

чиқиш учун иш ҳақи миқдори Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари миқдорига қараб аниқланади.

Иш ҳақининг натурал қисми ижтимоий суғурта ўтказилган бадаллар миқдорига қараб баҳоланади. Минтақавий коэффициентлар белгиланган ҳудудларда меҳнат қилган шахсларга тўланган минтақавий коэффициентлар ҳам пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

Пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган иш ҳақи ва бошқа тўлов турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорининг 9-иловасида назарда тутилган рўйхатда кўрсатиб қўйилган. Хусусан, ушбу рўйхатга мувофиқ фойдаланилмаган таътил учун компенсация, ишдан бўшатиш пайтидаги нафақа, моддий ёрдам сифатидаги пул тўловлари, хизмат сафарини учун компенсация тўловлари, бепул овқат қиймати ва ҳоказолар пенсия миқдорини ҳисоблашда эътиборга олинмаслиги кўрсатиб қўйилган.

БОШҚА ДАВЛАТЛАРДАН КЎЧИБ КЕЛГАН ФУҚАРОЛАРНИНГ, ШУНИНГДЕК, ЧЕТ ЭЛГА ИШГА ЮБОРИЛГАН ХОДИМЛАРНИНГ ПЕНСИЯЛАРИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШДА ИШ ҲАҚИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?

Бошқа давлатдан кўчиб келган, Ўзбекистон Республикасида ишлаган фуқароларга пенсиялар Ўзбекистондаги тегишли касб ҳамда малакадаги ходимларнинг пенсия тайинланаётган вақтдаги ўртача ойлик иш ҳақига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Башарти, бундай касб ҳамда малакалар республикада бўлмаса, ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилай беради.

Чет элда ишлаган юборилган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқишда улар чет элга юборилишидан олдин олган иш ҳақи ҳисобга олинади.



кўшилади, амалдаги иш ҳақи тўлаш тизимида назарда тутилмаган бир марталик хусусиятга эга бўлган тўловлар бундан мустаснодир.

Давлат томонидан ижтимоий суғурталанмайдиган шахсларнинг пенсиясини ҳисоблаб чиқиш учун иш ҳақига суғурта бадаллари олинадиган меҳнат ҳақи турларига ўхшаш пул таъминотининг барча турлари қўшилади.

Пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хошига биноан ўқув даврида тўланган стипендия иш ҳақига тенглаштирилади.

Иш вақтини ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаган ходимларнинг (фермерлар, яқна тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланувчи шахслар, айрим фуқароларнинг юмушларини бажарувчилар ва ҳоказо) пенсияларини ҳисоблаб

Саволларингизга ТДЮИнинг «Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи»

кафедраси ўқитувчиси Гулноза САТТОВА жавоб беради.

САВОЛ: Мен болаликдан ногиронман. ТМЭК томонидан менга ногиронлик гуруҳи 20 ёшга тўлганимдан кейин белгиланди. Аввало II гуруҳ, 4 йилдан сунг эса III гуруҳ. Меҳнат стажим йўқ. Давлат пенсияси олишга ҳақим борми?
Н.ХУҲАҚУЛОВА,
Китоб тумани.

ларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси учинчи хат бошида айтилганидек, иш стажига эга бўлмаган фуқаролар давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Уларни ижтимоий таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июндаги қарори билан амалга оширилади. Ушбу қарорга мувофиқ меҳнат стажига эга бўлмаган I ва

II гуруҳ болаликдан ногиронларга энг кам пенсия миқдорига тайинланади. III гуруҳ ногиронларига, шу жумладан, III гуруҳ болаликдан ногиронларга пенсия ҳамда нафақалар тайинлаш назарда тутилган. ТМЭК ҳулосасидан норози бўлган шахслар юқори турдани ТМЭКга ёки судга мурожаат этишлари мумкин.

САВОЛ: Мен фельдшер бўлиб ишлайман. 50 фоиз миқдорда пенсия оламан. Эшитишимча фельдшерларга пенсия тўлиқ тўланар экан. Шу тўғрисида?
Г.ОБИДОВА,
Тошкент вилояти,
Ж.КОДИРОВА,
Ургут тумани.

ЖАВОБ: Ҳақиқатдан ҳам 1999 йил 1 июдан бошлаб кичик ва ўрта тиббиёт ходимларига камида ўн йил меҳнат стажига эга бўлган ҳолларда пенсия 100 фоиз миқдорда тўланади. Кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари тоифасига фельдшерлар ҳам қиради. Лекин ушбу қоида аёллар йили мурожаати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2246-сонли Фармони билан киритилган бўлиб, фақат аёлларга тегишлидир.

ЭНГ КАТТА САВОБ

Когон туманидаги меҳнат жамоаларида қарияларга мунтазам меҳрибонлик кўрсатиб келинмоқда. Масалан, «Когон ёғ» ва «Когон дон» ҳиссдорлик жамиятлари ёлғиз қарияларни жамоада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан таъминлашмоқда. Когон шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси муҳтож қарияларга эшитиш ускуналари ва кўзойнаклар олиб бериш учун маблағ ажратди. Шунингдек, палата томонидан ёлғиз қарияларнинг паспорт олишлари учун ҳам ёрдам берилмоқда. «Саховат» деҳқон бозори, «Кўприксоз» корхонаси, «Олтин тола» акциядорлик жамияти, 97-автокорхона ва бошқа жамоалар ҳам қарияларга баҳоли қудрат ёрдам беришмоқда.

АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИККА ИНТИЛМОҚДА

Когон туманида аёл тадбиркорларнинг сони ортмоқда. Бунда «Тадбиркор аёл» уюшмаси туман бўлимининг ёрдами катта бўлмоқда. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда тадбиркорлик билан шугулланиш истагида бўлган аёллар учун ўқув курслари ва семинарлар ташкил этилмоқда. Бунинг натижасида «Хуршида», «Патдуз», «Зайнаб» ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Айни вақтда ушбу корхоналарда эллик нафардан зиёд қизлар иш билан таъминланди. Тижорат банклари бошловчи тадбиркорларга имтиёзли равишда кредит ажратилмоқда. «Туркистон-пресс».

ЎЗБЕКИСТОН - ПОЛИОМИЕЛИТДАН ХОЛИ ҲУДУД

Копенгагенда бўлиб ўтган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг навбатдаги халқаро нуфузли анжуманида юртимизнинг соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиология тизими вакиллари, болалар шифокорлари ҳам қатнашди. Эътиборли томони шундаки, анжуманда Ўзбекистон полиомиелитдан холи ҳудуд сифатида алоҳида эътироф этилиб, махсус сертификатга сазовор бўлди.

Ўтган йили Туркияда бўлиб ўтган Европа соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификация қўмитаси йиғилишида илк бор республикамиз полиомиелитдан холи минтақа деб тан олинган. Юртимизда амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ҳамда «Она ва бола» давлат дастурларининг самараси туфайли 1995 йилдан буён поли-

омиелит касаллиги умуман қайд этилмаётир. Бунда республикамизда шифокорлар учун махсус малака ошириш курслари ташкил этилгани, тиббиёт муассасалари тез ва самарали таъбир этувчи вакциналар билан таъминланаётгани, болаларни эмлаш ишлари изчил олиб борилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. (ЎЗА).



«ХУМСОНБУЛОҚ» ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Бўстонлик ўзининг гўзал табиати, шарқироқ сувлари билан машҳурдир. Бу ерда бир мартаба бўлган киши яна бир қелсам, табиат инъом этган бойликлардан баҳраманд бўлиб, саломатлигини мустаҳкамлашга дейди. Сўлим гўшадаги шифобахш неъматлар минг даргда даво. Шу боис ёз мавсуми бошланди дегунча Бўстонлик ўз бағрига шаҳарликларни чорлайди. Ишчилар, қурувчилар, тадбиркорлар қўйингки, барча соҳа кишилари бу ерда кўнгулли дам олиб, вақтни мазмунли ўтказишлари учун шариотлар мавжуд. Яқинда энг хушманзара жойлардан бирида «Хумсонбулоқ» оромгоҳи қурилиб, фойдаланишга топширилди. 140 ўринга мўлжалланган шинам маскан чинданам ажойиб тарзда қурилган, замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерга қадам ранжида қилишингиз билан ўзига хос гўзал манзара, дов-даракларни кўриб бахри дилингни очилди. Оилавий бўлиб дам олиш учун ҳам имконият мавжуд. Шу боис «Хумсонбулоқ»да дам олишни ихтиёр этувчилар сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

Суратларда: фойдаланишга топширилган янги оромгоҳ.
Р.ЖУМАНИЕЗОВ,
(ЎЗА) олган суратлар.

ҚОНУН ИЖРОСИГА БАФИШЛАНДИ

Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятида ижро этилиши хусусидаги масала муҳокама қилинди. Мазкур қўмита раиси Азамат Зиё бошқарган йиғилишда вилоят таълим тизимида, бошқарув идораларида ушбу Қонуннинг тегишли моддалари талабларини бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларининг бажарилиши вилоят халқ таълими бошқармаси хайъати йиғилишларида мунтазам муҳокама этилмоқда. Бошқарма ва халқ таълими бўлимларининг ишчи гуруҳлари жойлар-

да бўлиб, бу борада таълим муассасаларига амалий-методик ёрдам уюштирилмоқда. Мактабга тарбия муассасаларида турли йўналишларда ташкил этилган иқтидорли болалар гуруҳлари ташкил этилган. Йиғилишда вилоят таълим тизимида «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг бир қанча моддаларида белгиланган талабларни ижро этишда камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги ҳам эътибор қаратилди. Вилоятда бугунги кунда таълим муассасалари педагог кадрлар билан тўлиқ таъминланмаган. Урта махсус касб-хунар таълими педагоглари таркибида илмий даражали, олий тоифали ўқитувчилар етишмайди. Мактабларга методик хизмат кўрсатиш борасида ҳам камчиликлар мавжуд.

Ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларини дарсликлар, устахона жиҳозлари билан таъминлаш ҳамма жойда ҳам талаб даражасида эмас. Мазкур тизим ўқитувчиларнинг касб-маҳорати ва билим даражасини мунтазам ошириш борасида муайян дастур ёки тадбир ишлаб чиқилмаган. Қўчилик мактаб кутубхоналари мутахассислар билан таъминланмаганлиги, китоб фондлари миқдорининг камлиги, даврий адабиётлар билан етарли таъминланмаётганлиги кутубхоналарнинг самарасиз фаолият кўрсатишига олиб келмоқда. Йиғилишда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. (ЎЗА).

2 июл - Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

БҮЮК ШОН-ШАРАФИМИЗ ТИМСОЛИ

Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам - 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги муҳим тарихий Қонун эълон қилинганди. Ушбу Қонунга мувофиқ мустақил давлатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос олий рамзларидан бири - Давлат герби тасдиқланди.

Шу кундан эътиборан гербимиз тасвири Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Конституциявий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, мамлакатимизнинг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, вазирликлар, ҳокимликлар, қўмиталар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг билноларида ўрнатилди. Давлат герби тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва облигацияларда, фуқаролик паспортларида ҳамда қонунда белгиланган бошқа ўринларда акс эттирилади.

Президентимиз Ислам Каримов таърифлаганидек, давлатимиз рамзлари - байроқ, герб, маданий ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, гурури, тарихий хотира ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эъзозлаш - ўзининг кадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш демокдир.

Мамлакатимизда давлат рамзлари қонун билан муҳофаза қилинади. Дарҳақиқат, давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоли сифатида ҳамма азиз ва муқаддас саналган. Уларда халқнинг тарихи, бугунги ва келажаги ўз ифодасини топган. Аслида рамзлар ва тисоллар ҳамма вақт миллий гурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим восита ҳисобланган.

Хусусан, тамағ, яъни герб тарихига тўхталандиган бўлсак, мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, давлат герби миллоддан аввал


дир. Халқимизнинг ватанпарварлик ҳис-туйғуларини, унинг озодликка ва бахт-саодатга интилиши хар бир фуқаромиз учун тобора муқаддас мазмун касб этаётган янги давлат рамзларида бор бўйбастии билан намоён бўлмоқда.

Айниқса, Давлат гербининг ушбу аққол тасвири бунга аниқ мисол бўла олади: думалоқ кўринишга эга шаклнинг сўл томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган гўза шохларидан иборат чамбарга ўралган, узокдаги тоғлар ва дарёлар манзарасида гуллаган водий узра қуёш заррин нуруларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Ўзбекистон озодлигининг рамзи сифатида саккизбурчак юлдуз, унинг ички қисмида эса яримой ва юлдуз, марказида - бахт ва эркесварлик рамзи - қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида юртимиз Давлат байрогини ифода этувчи чамбар тасмасига «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

Ўн йил мобайнида аллақачон биз учун суяк ва буюк бўлиб улгурган ана шу ёрқин тасвир жўшқин ҳаётимиз мавжлари аро қалбимизни чексиз гурурга тўлдирганча ўзининг шуқули жозибаси билан онгу шууримизга тобора тيرانроқ муҳрларини бораверади, юракларимиздан муқаддас имондек, ҳаётбахш ҳақиқатдек мустаҳкам жой олади. Бу ҳақиқатнинг мазмун-моҳияти шундаки, ўзини ана шу табарруқ ва азиз Ватан фуқароси деб билган, ўз мамлакатига, халқи билан қизиқ фахрланган хар бир инсон давлат рамзларини қадрлайди ва ҳурмат қилади.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, миллий тимсоллар ва рамзларнинг хар бири миллий гуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг хар бири катта бир дарслик, улуг тарбия воситасидир.

Фулом АБДУРАХИМ,
ЎЗА муҳбири.



Археологик қазинмалар юртимизда давлат рамзлари кўп минг йиллик тарихга эга эканини, миллий давлат қурилиши ва маданий ривожланиш тарихи билан чамбарчас боғлиқлигини, жумладан, қадимдан муҳрлар, тангалар ва буюмларга шахар, давлат ёки хунармандчилик уюшмаларининг герб суратларини тушириши кенг тарқалганини кўрсатади.

Шу ўринда айтиш жоизки, сохибқирон бобокалонимиз Амир Темур тузган марказлашган давлат ўзининг герби - уч халқа шаклидаги тамгаси билан дунёга танилган. Ватанимиз истиқлолга эришгач, халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари бевосита Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида қабул қилинган мамлакатимизнинг янги давлат рамзларида, шу жумладан, унинг Давлат гербида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Қонунда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби республика давлат мустақиллигининг рамзидир. Умуман, мустақилликни қўлга киритиб ўз Байрогини, Мадҳиямиз ва Гербимизга эга бўлганимиз чин маънода озод ва ҳур эканимиз белгиси-

НАМАНГАНДА «ЁШЛАР МАЖМУИ»

Наманган шаҳрида «Ёшлар мажмуи» бунёд этилмоқда. 16 гектар майдонда хиббон, амфитеатр, фаввора, чойхона, ресторан, спорт комплекси ҳамда стадион қуриш режалаштирилган.

Шуни эътиборлики, кейинги йилларда қурилган йирик иншоотларнинг барчаси ҳашар йўли билан бунёд этилди. «Жаҳон бозори», «Пахлавон» спорт-соғломлаштириш мажмуи, «Хотира хиёбони» шулар жумласидан. «Ёшлар мажмуи» ҳам шу усулда барпо этилмоқда. Бу ерда ўндан ортик қурилуш ташкилотлари ва автокорхоналарнинг уч юзга яқин ишчиси меҳнат қияпти. Вилоят ҳокимлиги мажмуа қурилишига 100 миллион сўм маблағ ажратди.

